



ЖАМОАТ ЖОЙЛАРИДА СОДИР ЭТИЛАДИГАН ҲУҚУҚБУЗАРЛИК УЧУН МАЪМУРИЙ ЖАВОБГАРЛИКНИ ТАЪМИНЛАШНИ БУГУНГИ КУНДАГИ ХОЛАТИ

Алтмишев Темураббек Хамзаевич

ИИБ Жамоат хавфсизлиги департаменти Ташкилий-таҳлил бошқармаси
бошлиғи, юридик фанлари бўйича
фалсафа доктори

Тўраев Шавкат Менгишович

Ўзбекистон Республикаси ИИБ Академияси магистратура “Ташкилий-
тактик бошқарув” мутахассислиги тингловчиси

<https://doi.org/10.5281/zenodo.8129072>

Мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотлар доирасида аҳолининг тинч ва осойишта ҳаётини таъминлаш ҳамда жамиятимизда қонунга итоаткорлик ва жамоат хавфсизлиги маданиятини шакллантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Жумладан, жамоат хавфсизлигини таъминлаш йўналишидаги ишларни «Халқ манфаатларига хизмат қилиш» тамойили асосида ташкил этишнинг мутлақо янги механизм ва тартиблари жорий этилиб, давлат органларининг жамоатчилик тузилмалари билан ўзаро мақсадли ҳамкорлиги йўлга қўйилди.

Шу билан бирга, жаҳонда кучайиб бораётган турли хавф-хатар ва зиддиятлар, эл-юрт тинчлиги ва осойишталигига таҳдидлар, пандемия, табиий ва техноген офатлар масъул давлат тузилмаларига ўз фаолиятини «Барча саъй-ҳаракатлар инсон қадри учун» деган устувор ғоя асосида янада такомиллаштириш вазифасини юкламоқда.

Жамоат жойларида жамоат хавфсизлигини таъминлаш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва жинойтчиликка қарши курашишнинг яхлит тизимини шакллантириш, ички ишлар органларининг энг қуйи бўғинидан республика даражасигача самарали фаолиятини йўлга қўйиш ва замонавий иш услубларини жорий этиш орқали мамлакатимизда ҳуқуқ-тартибот ва қонунийликни мустаҳкамлаш, аҳолининг тинчлиги ва осойишталигини таъминлаш мақсадида қуйидаги икки йўналиш ташкил этилди:

Биринчи йўналиш. Ички ишлар органлари фаолиятини ташкил этишнинг мутлақо янги механизмлари этиб белгиланганлиги;

Иккинчи йўналиш. . Ички ишлар органларининг таянч пунктлари негизида маҳалла ҳуқуқ-тартибот масканлари босқичма-босқич ташкил этилсин.





Биринчи йўналиш. Жамоат жойларида ҳуқуқбузарликларни аниқлаш ва фoш этиш борасида ички ишлар органлари фаолиятини ташкил этишнинг мутлақо янги механизмлари этиб ишлаб чиқилган бўлиб қуйидагилар

ҳар бир маҳалла, оила ва шахс кесимида жиноятчиликнинг сабабларини аниқлаш ва уларни бартараф этиш орқали ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва жиноятчиликка қарши курашишга оид муаммоларни бевосита жойларнинг ўзида ҳал этиш;

ҳудудларда жиноятчилик аҳволдан келиб чиқиб, ҳар бир туман, шаҳар ва маҳаллаларни тоифаларга ажратиш ҳамда ҳокимликлар, секторлар ва жамоатчилик билан ҳамкорликда «жиноят ўчоқлари»ни бартараф этиш учун барча зарур куч ва воситаларни жалб қилиш;

«республика — вилоят — туман — маҳалла» тизими асосида яхлит бошқарув ва узлуксиз назорат қилиш механизмларини жорий этиш, ички ишлар ва бошқа давлат органларининг жамоат хавфсизлигини таъминлаш борасидаги фаолиятини самарали мувофиқлаштириш орқали мамлакатимизда тинчлик ва барқарорликни таъминлаш;

ички ишлар органлари ходимларининг замонавий қиёфасини яратиш, уларнинг масъулияти ва касбий салоҳиятини ошириш, жиноятчиликнинг янги кўринишларига қарши курашиш учун зарур кўникмаларни шакллантириш ҳамда соҳани тўлиқ рақамлаштиришга эришиш.

Иккинчи йўналиш Жамоат жойларида жамоат хавфсизлигини таъминлаш мақсадида Ички ишлар органларининг таянч пунктлари негизида маҳалла ҳуқуқ-тартибот масканлари босқичма-босқич ташкил этилди ва қуйидаги тартиб жорий этилди:

маҳалла ҳуқуқ-тартибот маскани ҳудуддаги жамоат хавфсизлигини таъминлаш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва жиноятчиликка қарши курашишнинг асосий қуйи бўғини ҳисобланади;

маҳалла ҳуқуқ-тартибот маскани негизида ҳудуддаги ички ишлар органларининг тегишли соҳавий хизматлари ҳамда Миллий гвардия ва бошқа давлат органларининг мувофиқлаштирилган фаолияти ташкил этилади;

маҳалла ҳуқуқ-тартибот маскани томонидан жамоат хавфсизлигини таъминлаш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва жиноятчиликка қарши курашиш ишларини тизимли ташкил этиш ва мувофиқлаштириш вазифаси профилактика инспекторига юкланади.





Ички ишлар органлари жамоат ҳавфсизлигини таъминлаш хизматлари томонидан ҳудудларда жамоат тартибини сақлаш фаолиятини ташкил этиш, жамоат жойларида аҳолининг хавфсизлигини таъминлашда ички ишлар органлари куч ва воситаларини самарали бошқариш чораларини кўриш асосий вазифалардан бири ҳисобланади.

Маълумотларга кўра тазйиқ ва зўравонликка учраган хотин-қизларга расмийлаштирилган ҳимоя ордерларининг 2021 йилда расман қайд этилган ҳолатлардан 34330 нафари оилада, 3557 нафари кўчада, 917 нафари **жамоат жойларида**, 427 нафари иш жойларида, 67 нафари таълим муассасаларида содир этилган¹.

Юқорида тахлил қилган ҳуқуқбузарликлардан фарқли ўлароқ ушбу ҳуқуқбузарлик ҳам жамоат жойида содир этилиши ушбу талилий статистикада маълум бўлиб турибди.

Бизнингча, ҳар қандай ҳуқуқбузарлик жамоат жойларида содир этилиши мумкин фақат жамоат жойи бўлиши шарт бўлган ҳуқуқбузарликлар борлигини эсдан чиқариб қўймаслигимиз даркор. Мисол учун ободонлаштириш қоидаларини бузиш бу ҳуқуқбузарликни ўзига хос жиҳати жамоат жойларида содир этилса ушбу ҳуқуқбузарлик таркибини беради. Уйларда, яшаш хонадонларида содир этилса бу ҳуқуқбузарлик таркибини бермайди.

Жамоат жойларида содир этиладиган МЖТКнинг 183-моддаси майда безорилик ҳуқуқбузарлиги 2023 йил биринчи чорагини ўзида жиноий ишлар бўйича судларда ишларнинг кўрилиши динамикаси 18610 марта кўрилган. Бу кўрсаткич 2022 йилда 78616 тани ташкил этади.


Жамоат жойларида содир этиладиган майда безорилик ҳуқуқбузарлигини 2019 йилда жиноий ишлар бўйича судларда ушбу ишларнинг кўрилиши динамикаси 39619 мартаба кўрилганлигидан далолат берса ушбу кўриган ишларнинг энг кўп содир этилган ҳудуд Тошкент шахрига тўғри келади. Тошкент шахрида 2019 йил жами майда безорилик ҳуқуқбузарлиги жами 6030 мартаба кўрилган.

Майда безорилик ҳуқуқбузарлиги судлар томонидан кўрилиш динамикасига кўра 2020 йилда 39 699 мартаба, 2021 йилда 53 673 мартабани ташкил этади.²

Жамоат жойларида содир этиладиган ҳуқуқбузарликлар янги нормалар жорий этилиши билан ўз ўрнини, шаклини тарифини

¹ Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирлигининг 2022 йил 20 майдаги №26/5/2668-сонли хати

² <https://stat.sud.uz/>





Ўзгаришига олиб келинмоқда мисол учун Ўзбекистон Республикасининг 2023 йил 11 апрелдаги “Меҳнатга ҳақ тўлаш, пенсиялар ва бошқа тўловлар миқдорларини аниқлаш тартиби такомиллаштирилганлиги муносабати билан Ўзбекистон республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар киритиш тўғрисида”ги ЎРҚ-829-сонли қонуни билан 41¹-моддаси Шаҳвоний шилқимлик қилиш ҳуқуқбузарлиги қўшилди. Ушбу ҳуқуқбузарлик шахсга нисбатан унинг учун номақбул бўлган ҳамда унинг шаъни ва кадр-қимматини таҳқирлайдиган, шахсининг ташқи қиёфасини ёки қадди-қоматини тавсифлашда, имо-ишора қилишда, тегинишда, чақиришда ифодаланган, шаҳвоний хусусиятга эга бўлган ҳаракатларни бир марта қўпол равишда ёки бир неча марта содир этиш базавий ҳисоблаш миқдорининг икки бараваридан беш бараваригача миқдорда жарима солишга ёки беш суткагача муддатга маъмурий қамоққа олишга сабаб бўлса худди шундай ҳуқуқбузарликлар маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор содир этилган бўлса базавий ҳисоблаш миқдорининг беш бараваридан етти бараваригача миқдорда жарима солишга ёки ўн беш суткагача муддатга маъмурий қамоққа олишга сабаб бўлади³.


Ушбу ҳуқуқбузарлик қўшилиши билан жамоат жойларида содир этиладиган майда безорлик ҳуқуқбузарликларини тарифлашда бирмунча номутоносибликлар келиб чиқди.

Жамоат жойларида уятли сўзлар билан сўкиниш, фуқароларга **ҳақоратомуз шилқимлик** қилиш ҳамда жамоат тартибини ва фуқароларнинг осойишталигини бузувчи шу каби бошқа хатти-ҳаракатларда ифодаланган жамиятда юриш-туриш қоидаларини қасдан менсимаслик бу майда безорилик ҳуқуқбузарлиги тарифи эди.

Тарифда фуқароларга **ҳақоратомуз шилқимлик** қилиш барча юридик шарҳларда шахсга нисбатан унинг учун номақбул бўлган ҳамда унинг шаъни ва кадр-қимматини таҳқирлайдиган, шахсининг ташқи қиёфасини ёки қадди-қоматини тавсифлашда, имо-ишора қилишда, тегинишда, чақиришда ифодаланиши тушунилар эди.

Эндиликда ушбу норма қабул қилиниши билан ҳақоратомуз шилқимлик қилиш ва шаҳвоний шилқимлик қилишни фарқлашга тўғри

³ Ўзбекистон Республикасининг 2023 йил 11 апрелдаги “Меҳнатга ҳақ тўлаш, пенсиялар ва бошқа тўловлар миқдорларини аниқлаш тартиби такомиллаштирилганлиги муносабати билан Ўзбекистон республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар киритиш тўғрисида”ги ЎРҚ-829-сонли қонуни. Электрон манба: <https://lex.uz/docs/97664#197981>. (Мурожаат этилган сана 20.06.2023 й).





келмоқда. Жамоат жойларида тегажоғлик 3 хил кўринишда рўй беради: вербал, новербал ва жисмоний. Вербал, яъни оғзаки тарзда шилқимлик қилиш – ёқимсиз гап отиш, хуштак чалиш, ҳаёсиз таклифлар билдириш билан; новербал эса таъқиб қилиш, ҳаёсиз видеолар кўрсатиш билан содир бўлади. Жисмоний шилқимлик эса қизларнинг танасига, сочларига тегишни англатади. Кўплаб ҳолатларда қизлар кўрқув сабаб бу ҳақда хабар бера олишмайди⁴.

Юқоридаги тарифларни ўрганар эканмиз ушбу шилқимликни ажратилган турлари ҳақоротомуз шилқимлик қилиш ва шахвоний шилқимликни ўзаро фарқлашда эрдам бермайди

Шу сабабли изоҳли луғатлардан ҳақоротомуз сўзи тарифига мурожаат қилдик. Изоҳли луғатда ёзилишича, ҳақоротомуз сўзи (қораттарзидаги, таҳқирловчи) кўпол, ҳақо-ратга ўхшаб кетадиган ҳаракат ёки сўз имо-ишора ҳисобланади⁵.

Шу билан ҳақоратомуз шилқимлик қилиш деганда ҳар хил ҳаракат ва сўзлар орқали ҳақоратга ўхшаб кетадиган имо ишораларни ўз ичига олади.

Жамоат жойларида ва оломон тўпланадиган жойларда кўнгиллилар томонидан фирибгарлик учун жавобгарликни тушунтириб берувчи ахборот варақалари тарқатилади. Пойтахтнинг барча йирик савдо марказларида ЛЕД-экранларда фуқароларни хушёр бўлишга чақирадиган ижтимоий видеолар намойиш этилади. Бундан ташқари, прокуратура ходимлари жинойтнинг янги кўринишларини аниқлаш учун ҳар куни Интернет ресурсларини кузатиб борадилар.


Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг Патруль-пост хизмати ва жамоат тартибини сақлаш хизмати тўғрисидаги Низомда Қуйидагилар Хизматнинг асосий вазифалари бири кўчалар ва бошқа жамоат жойларида қайд этилган ҳодисаларни, ҳуқуқбузарликларни комплекс ва тизимли таҳлил қилиш, уларнинг келиб чиқиш сабаблари ва шароитларини аниқлаш, уларни бартараф этиш ҳамда мавжуд куч ва воситалардан самарали фойдаланиш чораларини кўриш ҳисобланади⁶.

Бугун республикамизнинг вилоят ва шаҳар марказлари, катта шаҳарларида, маҳаллалар, кўчалар, майдонлар, маданият ва истироҳат боғлари, транспорт объектлари ва бошқа жамоат жойларида, шунингдек

⁴ <https://kun.uz/uz/91417558?ysclid=lj4s1gr6hh17095441>. (Электрон манбага мурожаат вақти: 20.06.2023.)

⁵ [haqoratomuz - Vikilugʻat \(wiktionary.org\)](https://ru.wikipedia.org/wiki/Ҳақоратомуз)

⁶ Xotamov Z.T. Jamoat xavfsizligini ta'minlashda post-patruil xizmatining ahamiyati va dolzarbligi //Science and Education. – 2023. – Т. 4. – №. 1. – С. 1151-1154.





турли оммавий тадбирларни ўтказиш вақтида жамоат тартибини сақлаш ва хавфсизлигини таъминлашни Республика Ички ишлар органи умумий штатларининг 53% дан ошиғини ташкил этувчи пост-патруль хизмати саф бўлинмаларининг фаолиятисиз тасаввур қилиб бўлмайди⁷

Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси органларининг мансабдор шахслари жамоат жойларида содир этиладиган ҳуқуқбузарликлар МЖтКнинг 183-моддасида ва 187-моддасининг иккинчи қисмида 282-моддасида белгиланган тартибда уни кўриб чиқиш учун судга юборади⁸.

Ҳозирги кунда миллий гвардия ходимлари билан бир қаторда жамоат жойларида жамоат хавфсизлигини таъминлаш ички ишлар органи патруль-пост хизмати ходимларини ҳам вазифас ихисобланади.

Шу сабабли профилактика инспекторидан иш хажмини камайтириш ва фуқароларнинг осайишталигин таъминлаш мақсадида МЖтКнинг 248-модисни янги банд қўшилиши ва ушбу банд патруль-пост хизмати мансабдор шахслари ваколатлари бўлмоғи лозим.


Шу сабабли қуйидаги таклифни беришни жоиз топдик. Жумладан МЖтКнинг 248-модисни янги 8-банд қўшилиб қуйидагича таҳрир этилсин.

8) ушбу Кодекс МЖтКнинг 183-моддасида ва 187-моддасининг иккинчи қисмида 282-моддасида назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар учун — пост-патруль хизматининг катта инспектори (инспектори) ва жомоат хавфсизлигини таъминлашга оид бошқа норматив ҳужжатларга риоя этилиши устидан назоратни амалга оширувчи бошқа ходимлар.

Ҳозирда, жамоат жойлари, кўча ва йўлларда жамоат тартиби ва йўл ҳаракати хавфсизлигини, шунингдек, хусусий корхона ва ташкилотлар эса ўз хавфсизлигини таъминлаш мақсадида видеокузатув камераларини ўрнатиш тобора оммалашиб бормоқда. Видеокамераларнинг кенг жорий этилиши видеотасвирга асосланган таниб олиш ва идентификация қилиш тизимларига талаб пайдо бўлишига олиб келди. Бундай тизимлар реал вақт режимида видеокамералардан олинган тасвирлар кетма-кетлигини таҳлил қилиш асосида ҳар хил маълумотларни автоматик равишда олиш учун компьютерни таққослаш усулларидадан фойдаланадиган технологияларга асосланган. Ҳозирда бу технология видеотаҳлил тизими деб номланади

⁷ Xotamov Z.T. Jamoat xavfsizligini ta'minlashda post-patruль xizmatining ahamiyati va dolzarbligi //Science and Education. – 2023. – Т. 4. – №. 1. – С. 1151-1154.

⁸ Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартишлар киритиш ҳақида Ўзбекистон Республикасининг Қонуни, 12.05.2023 йилдаги ЎРК-842-сон.





2021 йилнинг биринчи ярим йиллигида республика миқёсида 206279 дона видеокамералар бўлса, шундан ИИО томонидан жамоат жойлари, йўл ҳаракати ва қўриқланадиган объектларни доимий кузатуви учун 6911 дона видеокамералар ўрнатилган⁹

Ушбу ишларни амалга ошириши фуқароларни олдини олиш ва ушбу жазвларни ижро этиш зарур эди. Ҳозирда, аҳоли жойларида қуйидагилар тақиқланади:

тамаки маҳсулотларини истеъмол қилиш, шунингдек чилим ва электрон сигареталар чекиш;

уятли сўзлар билан сўқиниш, ҳақоратомуз шилқимлик қилиш ҳамда жамоат тартибини ва фуқароларнинг осойишталигини бузувчи шу каби бошқа хатти-ҳаракатларни содир этиш;

алкоголь маҳсулотини истеъмол қилиш;

тиланчилик қилиш;

рўйхатдан ўтказилмаган байроқлар ва вимпеллардан фойдаланиш;

ит ва мушукларни тумшукбоғсиз ва етовсиз олиб юриш.

Жамоат жойларида мазкур хатти-ҳаракатларни содир этиш маъмурий ёки жиноий жавобгарликка сабаб бўлади.¹⁰

Жамоат жойида беҳаё сўзлар учун жазо кучайтирилди жамоат жойида беҳаё сўзлар учун жазо кучайтирилди Қозоғистонда жамоат жойларида беҳаё сўзлардан фойдаланиш 69 минг тенге (тахминан 150 доллар) миқдорида жаримага тортилиши ёки 30 суткагача қамоққа олиниши мумкин. Янги тартиб, ИИБ Маъмурий полиция қўмитаси бошқармаси бошлиғи ўринбосари Азамат Қуримбоевнинг сўзларига кўра, жорий йилнинг март ойидан кучга киради¹¹

"Ҳозирда майда безорилик учун суд томонидан 17 250 тенге (37 АҚШ доллари) миқдорида жарима ёки 15 суткагача қамоқ жазоси назарда тутилган. Янги таҳрирдаги Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексда жамоат жойларида беадаб сўзлар, жисмоний шахсларга тегажўғлик қилиш, бинолар, иншоотлар, умумий фойдаланиш жойлари, транспортда ва жамоат жойларида мулкка зарар етказиш майда безорилик ҳисобланади"¹²,


⁹ Ўзбекистон Республикаси ИИБ Ахборот технологиялари, алоқа ва ахборотни ҳимоялаш бошқармасининг 2021 йил июль ойи ҳисоботи

¹⁰ Жамоат жойларида нималар тақиқланади? Электрон манба: <https://kun.uz/44135457?>

(мурожаат вақти: 21.06.2023)

¹¹ [Жамоат жойида беҳаё сўзлар учун жазо кучайтирилди \(aniq.uz\)](#)

¹² Ўша манба.





Фойдаланилган адабиётлар:

1. Бекмуродов Н. Тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширишнинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш масалалари //Евразийский журнал права, финансов и прикладных наук. – 2022. – Т. 2. – №. 10 Special Issue. – С. 165-169.
2. Бекмуродов Н. Н. Тезкор-қидирув фаолиятини натижаларидан жиноят ишлари бўйича исбот сифатида фойдаланишдаги айрим муаммолар //журнал правовых исследований. – 2022. – №. SI-2.
3. Бекмуродов Н. Н., Нарзиллоев Ф. Н. Тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширишда инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлашнинг назарий ва ҳуқуқий масалалари //журнал правовых исследований. – 2023. – №. SI-1.
4. Бекмуродов Н., Калауов С. Автотранспорт воситаларини ўғирлаш ва олиб қочиш жиноятларининг жиноий-ҳуқуқий тавсифи //Общество и инновации. – 2022. – Т. 3. – №. 4. – С. 123-131.
5. Masharipov T. Коррупция билан боғлиқ жиноятларнинг олдини олиш бўйича ўтказиладиган тезкор-қидирув тадбирларини ташкил этиш //Science and innovation. – 2022. – Т. 1. – №. С7. – С. 295-302.
6. Тастанбекова Г. Ҳуқуқни шарҳлашнинг моҳияти ва юридик табиати //siyosatshunoslik, huquq va xalqaro munosabatlar jurnali. – 2023. – Т. 2. – №. 1. – С. 9-11.
7. Рустамов С., Қушбоқов Ш. Ўзбекистон Республикасида Маъмурий ислохотлар концепциясининг жазони ижро этиш департаменти фаолиятидаги ўрни //Евразийский журнал права, финансов и прикладных наук. – 2022. – Т. 2. – №. 10 Special Issue. – С. 28-31.
8. Тастанбекова Г., Инагамова М. Янги Ўзбекистонда аёллар ҳуқуқлари ҳимоясида қабул қилинаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг айрим жиҳатлари //Общество и инновации. – 2023. – Т. 4. – №. 2. – С. 136-141.
9. Қушбоқов Ш., Таджиев Э. Жазони ижро этиш муассасаларидан озод этилган айрим тоифадаги маҳкумлар устидан маъмурий назорат ўрнатиш тартиби //Инновационные исследования в современном мире: теория и практика. – 2023. – Т. 2. – №. 4. – С. 35-44.
10. Тастанбекова Г. Ҳуқуқни шарҳлаш асосларида баъзи категорияларнинг моҳияти ва мазмуни //Ta'lim fidoylari. – 2022. – Т. 22. – №. 7. – С. 407-411.
11. Мирхалилова Г. Давлат-хусусий шериклик институтини шакиллантиришнинг ҳуқуқий асослари хорижий давлатлар мисолида //Results of National Scientific Research. – 2022.





12. Охунов З., Қушбоқов Ш. Талабалар томонидан содир этиладиган ҳуқуқбузарликларни олдини олишга оид айрим мулоҳазалар //Евразийский журнал права, финансов и прикладных наук. – 2022. – Т. 2. – №. 11. – С. 34-39.
13. Мирхалилова Г. И. Давлат хусусий-шериклик тўғрисидаги битимни тузиш, унинг асосий шартлари ва турларининг таҳлили //Results of National Scientific Research International Journal. – 2023. – Т. 2. – №. 5. – С. 308-324.
14. Мирхалилова Г. И. Давлат-хусусий шериклик шартномаси тарафларининг фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлиги масалалари ва уларнинг ечимлари //Results of National Scientific Research International Journal. – 2023. – Т. 2. – №. 5. – С. 283-299.
15. Қушбоқов Ш., Турниёзов Ж. Ички ишлар органлари ходимларининг касбий маданият ва хизмат интизоми ҳуқуқий тартибга солиш истиқболи //Development of pedagogical technologies in modern sciences. – 2023. – Т. 2. – №. 2. – С. 49-55.
16. Қушбоқов Ш. Жазони ижро этиш муассасалари фаолиятида тадбиркорликнинг ўрни //Международная конференция академических наук. – 2022. – Т. 1. – №. 27. – С. 16-20.

